



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 26 май, № 102 (6537) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ижтимоий шериклик: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Пойтахтимизда “Давлат органлари ва ННТ ўртасида ижтимоий шериклини ривожлантириш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

### ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, ЕХТНинг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори, Ф. Эберт номидаги фонд ҳамда бошқа ҳамкорлар иштирокида ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, қатор вазирлик ҳамда идоралар масъул ходимлари, фуқаролик жамияти институти, шунингдек, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари, Франция, Германия, Голландия, Канада, Япония, Жанубий Корея, Хиндистон ва бошқа давлатлар экспертлари қатнашди.

Анжуманда таъкидланганидек, юртимизда мустақиллик йилларида “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини изчил рўёбга чиқариш учун Конституциямиз асосида демократик талабларга тўла жавоб берадиган, нодавлат нотижорат ташкилотлари эркин ҳамда самарали фаолият юритишни таъминлашга қаратилган мустахкам ҳуқуқий база яратилди. Бунинг амалий натижасини ҳозирги кунда жамият ҳаётининг турли жаҳада фаол иш олиб бораётган нодавлат ноти-

жорат ташкилотлари мисолида кўриш мумкин. Уларнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, ижтимоий шериклик институтининг жадал суръатда ривожланаётгани демократик ислохотларни чуқурлаштиришда ҳал қилувчи омил бўлаётти.

Кенг жамоатчилик, халқаро ҳамжамиятнинг айна йўналишдаги вазифаларга доир хабардорлигини ошириш, бу борада қатор хорижий давлатлар амалиёти билан танишиш мақсадида нодавлат институтларнинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро алоқалари механизми ривож масалалари анжуман қатнашчиларининг алоҳида эътиборида бўлди.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти институти фаолиги бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлатнинг муҳим хусусиятидир. Нодавлат сектор ижтимоий-иқтисодий ислохотларда, инсон ҳуқуқларини, аҳоли турли қатламлари вакиллари манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органларининг ижтимоий шериги ҳисобланади. Шунингдек, давлат фуқаролик жамияти институти фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустахкамлаб, илгор ташаббусларини рағбатлантиради.

(Давоми 2-бетда).

## ИНТИЛИШ, ҚАТЪИЯТ, ШИЖОАТ

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларга беқиёс ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Бинобарин, уларни буюк аждодларимизга муносиб, ҳеч қимдан кам бўлмаган, билимли, ижодий-интеллектуал салоҳияти юксак инсонлар қилиб вояга етказиш масаласи давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимни ривожлантириш давлат умуммиллий дастури республикамизда малакали мутахассислар тайёрлашнинг янги, бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган самарали миллий моделини яратишда муҳим омил бўлди. Бу тизимдан кўзланган асосий мақсад, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни собиқ тузум мафқураси асоратларидан тамомла халос этиш, таълимни ягона ўқув, илмий-ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида комплекс ривожлантиришдан иборатдир.

Барчамиз гувоҳи бўлаётганимиздек, ҳаётга изчил татбиқ қилинаётган мақсадли дастурлар тўғрисида нафақат шаҳар марказлари, балки энг чекка қишлоқ ва овулларда ҳам муҳташам мактаблар, академик лицей ҳамда касб-хунар коллежлари қурилди. Бу эзгу ишлар бугун ҳам изчил давом этири-



Хосен ПАЙДЎБЕВ оғлини сурати.

### «ХАЙР, МАКТАБ, САЛОМ, КОЛЛЕЖ!»

лаётгани, айниқса, қувонар-лидир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йилда 476 минг 616 нафар ўқувчи таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олинаётди. Жумладан, 9-синф битирувчилари ўртасида ўтка-

зилган сўровнома натижаларига кўра, уларнинг 42870 нафари академик лицейларда, 433738 нафари эса касб-хунар коллежларида таҳсил олиш мақсадида эканлигини билдирган.

Умумтаълим мактаблари, мусика, санъат ҳамда спортга ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатларда сабоқ олган

ёшларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, улар қалбидан эзгу истак ва умидлар кенг қулоч ёяётганига амин бўласиз.

Навбатдаги ўқув йили якунланиши муносабати билан 25 май куни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги таълим масканларида “Замонавий

билимлар билан замонавий касб-хунар эга бўламиз” шiori остида ўтказилган “Хайр, мактаб, салом, коллеж!” тадбирларида ҳам ана шу жиҳатлар ҳақида сўз юритилиб, таълимдаги ислохотлар самараси алоҳида эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда).

### Парламент ҳаёти

## Давлат бюджети ижроси — фракциялар муҳокамасида

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Уларда “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2015 йилдаги ҳамда 2016 йил биринчи чорағидаги ижроси тўғрисидаги масалалар депутатлар томонидан қизгин муҳокама қилинаётипти. Зеро, бюджет назорати жаҳон парламентаризмининг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент кўйи палатасидаги фракцияси йиғилишида таъкидланганидек, ҳисобот даврида Давлат бюджети ижроси доирасида тасдиқланган бюджет кўрсаткичлари асосида юртимизда иқтисодий дастурларнинг энг муҳим устувор вазифалари тизимли равишда амалга оширилиши натижасида ўсишнинг барқарор юқори суръатларини ва макроиктисодий мувоза-

натни сақлаш, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ҳамда диверсификациялаш таъминланган. Аҳоли даромадлари ортishi тўғрисида ички истеъмол эҳтиёжлари юксалиб бормоқда.

Фракция аъзолари ўтган йилда партиянинг бош мақсади бўлган асосий вазифа — одамларнинг муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш ҳамда ривожланган демократик давлатлар қатори-

дан ўрин эгаллаш бўйича, аввало, ижтимоий-иқтисодий йўналтирилган ислохотларни рўёбга чиқариш йўлида катта қадамлар қўйилганини қайд этишди.

Айниқса, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттадил ошириб бориш масалалари Ҳуқумат фаолиятида катта ўрин тутди. Жумладан, 2015 йилда ижтимоий харажатларни мо-

лияштириш учун Давлат бюджетидан 21,3 трлн. сўм ёки умумий харажатларнинг 58,8 фоизи миқдоридан маблағ ажратилди.

Йиғилишда ижтимоий соҳага ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларига йўналтирилган маблағлар мақсадли сарфланишига, Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси даромадлари шакллантирилиши ва улар харажатларининг мақсадли ҳамда манзилли сарфланишига алоҳида эътибор қаратилиб, жорий йилда бу борадаги ишларни янада кучайтириш лозимлиги айтиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан “Касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги долзарб вазифалар” мавзусида видеоконференция ўтказилди.

## Битирувчилар бандлигини таъминлаш — долзарб вазифа

Унда сенаторлар, ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, Меҳнат ҳамда Адлия вазирликлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Тадбирда мамлакатимизда ёшлар, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Муҳими, ушбу савий-харажатлар ўз самарасини бериб, коллежларни битираётган йигит-қизлар мутахассисликлари бўйича ишга жойлашмоқдалар. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни истаган фарзандларимиз учун кенг имкониятлар яратилган.

Вазирлар Мақамасининг 2015 йил 10 мартдаги “Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишдаги иш-

ларни янги босқичга кўтарди. Мазкур ҳужжатга кўра, Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, аниқ ташкилларга бириктириш ва эгаллаш фаолияти таъминлаш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши тузилган бўлиб, ҳозирги пайтда самарали фаолият олиб бораёпти. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари хузурида ҳудудий мувофиқлаштирувчи кенгашлар ташкил этилди.

Шу йўналишдаги савий-харажатлар натижасида 2014/2015 ўқув йилида 482,6 минг нафар битирувчи шартномаларга мувофиқ, 207,2 мингта корхона ҳамда ташкилотда амалиёт ўтади. Касб-хунар коллежлари ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш ва тайёрлаш мақсадида махсус курслар ўқитилаётгани ҳам конференция иштирокчилари томонидан айтиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).



## «Кичик Олимпиада» машъаласи Фарғонага йўл олди

Ҳар гал истеъдодли йигит-қизларимизнинг энг нуфузли халқаро спорт мусобақаларида эришган ғалабалари шарафига мадҳиямиз янграб, байрогимиз баланд кўтарилганда, барчамиз шундай ҳаёжонли онларни бошдан кечиришимизки, бундай лаҳзалардаги туйғуларни, очиги, сўз билан

ифодалаш қийин. Жонажон Ўзбекистонимиз номини дунёга ёйишга хизмат қилаётган ушбу муваффақиятлар Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган юксак эътиборнинг ҳаётий самараларидир.

Таниқли экспертлар, йирик халқаро ташкилотлар вакиллари, кўзга кўринган спортчилар юртимиз ёшлари қўлга киритаётган бундай улкан натижалар замонавий асосда шакллантирилган инфратузилма иншоотлари қаторида, уч босқичдан иборат ўзига хос, таъбир жоиз бўлса, ноёб тизим — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада уйинлари билан бевосита боғлиқ эканини яқиндан билгач, “Бу тажриба ҳар томонлама ўрнак олишга арзийди”, деган эътирофни айтишди.

(Давоми 2-бетда).



(Давоми 2-бетда).

# Ижтимоий шериклик:

# МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

## Сўз — анжуман иштирокчиларига

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси юқори баҳоланди. Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ННТни фаолаштириш ҳамда уларнинг иш қўламини, жамият ҳамда давлат бошқарувидаги ваколатларини кенгайтиришда янги босқични бошлаб бергани қайд этилди. Зотан, Концепция асосида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очилганлиги тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Экологик назорат тўғрисида"ги қатор қонунлар қабул қилинди. Давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институти конституциявий мақом касб этди. Буларнинг барчаси фуқаролик жамияти институтининг раҳнақ топиши учун ҳуқуқий майдонни кенгайтирди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистондаги давлат институтиларини моддий, молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ўзига хос ноёб инфратузилма шакллантирилганини эътироф қилди. Бу эса ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлаш ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини қамраб оlishда ННТ позициясини янада мустаҳкамламоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди орқали демократик тузилмаларнинг ижтимоий аҳамиятига молик лойиҳаларни учун давлат бюджетидан салмоқли маблағ ажратилаётганлиги эътироф қилинди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланишининг ҳозирги босқичида ижтимоий шериклик асосида ҳаётга тат-

бик этилаётган лойиҳалар самарадорлиги яққол намоён бўляпти. "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонунга кўра, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳузурида ижтимоий шериклик бўйича жамоатчилик комиссиялари ташкил этилган бўлиб, улар изчил фаолият юритмоқда.

Айни чоғда ННТ ва бошқа демократик институтилар муҳим ижтимоий аҳамиятга молик давлат ҳамда ҳудудий дастурлар ижросида иштирок этмоқда. Жумладан, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастуридаги вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Қамолот" ЁИХ, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда 350 дан зиёд бошқа нодавлат ташкилотлар фаолият кўрсатаётган.

Амалий мулоқот руҳида ўтган анжуманда Франция, Германия, Голландия, Канада, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар экспертлари ижтимоий шериклиги ривожлантиришга оид тажрибалари билан ўртоқлашди. Аҳолининг ННТ фаолиятида иштирокини кенгайтириш, нодавлат тузилмалар раҳбар ҳамда ходимларининг касбий малакасини ошириш учун шароит яратиш, ижтимоий муҳофаза тизимини яхшилаш, барқарор қўшимча молиявий манбаларни шакллантириш, долзарб социал-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда давлат органлари ва ННТ ижтимоий шериклигининг ташкилий механизмининг янада мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган тақдир билан тавсиялар билдирилди.

Конференция доирасида иштирокчилар мамлакатимиздаги бир қатор ННТ фаолияти билан танишилди. "Ерғу келажак сари — биргаликда!" мавзусида ННТ маҳсулотлари ҳамда хизматлари кўргазмаси, режага киритилган бошқа дастурлар барчада илиқ таассурот қолдирди.

**Джон МакГрегор, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори:**

— Ижтимоий шериклиги ривожлантириш ЕХХТ фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Фуқаролик жамияти институтилар демократик ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон мамлакатни демократлаштириш ҳамда модернизация қилишнинг ўзига хос йўлини танлаган ва бу ҳозирги пайтда бутун дунёда тараққийнинг "Ўзбек модели" дея эътироф этилмоқда. Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб фуқаролик жамияти институтилари инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишда ўз ҳиссасини қўшиб келаётир.

Юртингизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг рўёбга чиқарилиши кенг жамоатчилик манфаатларини қамраб оlishда хизмат қилаётир. "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун ижтимоий-иқтисодий ислохотларда ННТ иштирокини ва ўзаро ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлагани билан аҳамиятлидир.



Джон МакГрегор

**Говинд Кумар Инакхия, Жамму Марказий университетининг гуманитар ва ижтимоий фанлар мактаби профессор ассистенти (Ҳиндистон):**

— Конференциядаги тақдиротимизда фуқаролик жамияти ҳамда ижтимоий шериклигининг ривожланишини конституциявий ислохотлар презимаси орқали Ҳиндистон ва Ўзбекистон тажрибаси мисолида таҳлил қилдим. Ўзбекистонда 1991 йилда 95 та ННТ фаолият юритган бўлса, бугун уларнинг сони 8 мингтадан кўпроқни ташкил этмоқда. Бу юртингизда фуқаролик жамияти институтилари жадал суръатларда ривожланаётганини кўрсатади. Мамлакатингизда Ҳиндистондаги каби ННТни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, молиявий таъминлаш, шунингдек, рўйхатга олиш, солиқ имтиёзлари борасида самарали тизим шакллантирилган. Фуқаролик жамияти институтилари фаолиятини кучайтириш борасида кўп ишлар амалга оширилган. Бугун ННТнинг жойлардаги мавжуд муаммолар ечимини топишга оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш лозим. Ҳиндистонда айнан ННТ сазъ-ҳаракати билан қўллаб-қувватлаш иқтисодий муаммолар ҳал қилинмоқда.

Айтишим керакки, Ўзбекистонда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтилари эркин фаолият юритишлари учун зарур ҳуқуқий шарт-шароит мавжуд. Мен Президент Ислам Каримов ташаббуси асосида 2014 йилда қабул қилинган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун билан танишиб чиқдим. Моҳиятига кўра, ана шундай долзарб қонун ҳужжатларини амалиётга татбиқ этиш орқали ННТ ҳамда давлат органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик юксак босқичга кўтарилади.



Говинд Кумар Инакхия

**Маргарет Скок, Глобал хавфсизлик ва сисбат дастури бўйича инновациялар халқаро бошқаруви марказининг катта илмий ходими (Канада):**

— Ўзбекистон, шубҳасиз, фуқаролик жамиятининг эркин ривожланиши йўлида самарали чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Ижтимоий аҳамиятга молик долзарб масалаларга эҳтишда фуқаролар иштирокини таъминлаш-



Натан Гилберт Куймпо, гуманитар фанлар доктори (Голландия):

**Натан Гилберт Куймпо, гуманитар фанлар доктори (Голландия):**

— Конференция мазмуни ва жуда эътиборли тарзда якунига етди. Ўзбекистонда ННТ фаолиятининг турли жиҳатларини кўриб чиқдик. Юртингизда Голландияда бўлгани каби жойлардаги долзарб масалаларни ечимда нодавлат ташкилотлар муҳим роль ўйнайди. Мамлакатингизда кишиларнинг доимо ҳамжиҳатлигида, бир-бирига кўмаклашиши азалий қадрият сифатида давом этиб келаётганини ибратга олиш мумкин. Умуман, Ўзбекистон фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга.



Патрисия Лалонде, "MEWA" таълим ва ижтимоий таъминот ассоциацияси бош қотиби, Европа истикбол ва хавфсизлик институти катта илмий ходими (Франция):

**Патрисия Лалонде, "MEWA" таълим ва ижтимоий таъминот ассоциацияси бош қотиби, Европа истикбол ва хавфсизлик институти катта илмий ходими (Франция):**

— Ҳар бир мамлакат демократияни ривожлантиришда ўз тарихий ҳамда миллий ёндашувига эга. Муқтаб демократик тараққий йўлидан бораётганингизга эндигина йигирма беш йил тўлаяпти. Ўзбекистоннинг фуқаролик жамияти институтилари фаолигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги тажрибаси таҳсинга лойиқ. Ишонманки, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини рўёбга чиқариш орқали дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашдек юксак мақсадга, албатта, эришасиз.

# Давлат бюджети ижроси — фракциялар муҳокамасида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари эришилган ютуқлар билан бирга, ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳусусида ҳам тўхтадилар.

\*\*\*

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2015 йилги ижросини дастлабки тарзда муҳокама қилиш чоғида асосий эътиборни ижтимоий адолат гоёларига таянган ҳолда, таълим-тарбия, маданият, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга йўналтирилган давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланишига қаратдилар.

Таъкидлаб ўтилганидек, ушбу тизимни ислох этиш бўйича қабул қилинган дастурлар доирасидаги барча тадбирни молиялаштириш таъминланди. Маданият ва спорт ривожига ҳам ўтган давр мобайнида салмоқли маблағлар ажратилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёш авлодининг жисмонан соғлом ҳамда маънавий баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2015 йилда ижтимоий соҳа ҳаёт-ижроларининг асосий қисми таълим муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантиришга йўналтирилди. Депутатлар томонидан ушбу маблағлар сарфланиши ҳолати атрофида муҳокама этилиб, барча таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, электрон ўқув-таълим дастурлари ҳамда мультимедиа маҳсулотлари билан таъминлаш ишлари таҳлил қилинди.

Фракция аъзолари "Адолат" СДПнинг сайловли дастуридан келиб чиқиб, соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш ва касалликларнинг профилактикасига йўналтирилган маблағлар мақсадли сарфланиши бўйича қўрилатган чора-тадбирларни муҳокама этишди.

Шунингдек, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жойлар куриши бўйича мақсадли давлат дастурининг амалга оширилиши борасида олиб борилган чора-тадбирлар таҳлил қилинди.

Ушбу дастур доирасида 2015 йилда 12 мингта янги тураржой барпо қилинган. Уз навбатида, депутатлар намунавий лойиҳалар асосида қўрилатган уйларга келгусида энергия тежайдиган технологиялар жорий этиш ҳамда ижтимоий объектларни бунёд қилиш юзасидан ўз тақдир ва тавсияларини билдиришди.

# ИНТИЛИШ, ҚАТЪИЯТ, ШИЖОАТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биз пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 287-умумтаълим мактабида ташкил қилинган тадбирда қатнашдик. Бу ерда эрта тонгдан ўқувчилар, ота-оналар, маҳалла фаоллари, устозлар, таълим фидойилари ҳамда маънавий тарғиботчилари жам бўлди. Барча Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини куйладди.

Тадбирда истиқлол йилларида одамларимизнинг онгу шуури тубдан ўзгариши, "Шу азиз Ватан меники, унинг бугунги ва эртанги кунини ун мен масъулан!" деган даҳлдорлик туйғуси тобора кучайиб бораётганлиги ҳамда бунда таълим муассасалари, хусусан, мактабларнинг ҳам ўрни бекиёс эканлиги таъкидланди.

Мазкур илм даргоҳини жорий ўқув йилида 153 нафар ўғил-қиз тамомлади. Уларнинг мақсади аниқлиги, давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиш-

# Битирувчилар бандлигини таъминлаш — долзарб вазифа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида 13 та тумандаги 93 та коллежда "бир дарча" сайёр нукталари фаолияти йўлга қўйилган. Улар юридик ҳужжатлар — бизнес-режа тизиш, тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш ҳамда кредитларни расмийлаштиришда кўмак бермоқда. 2015 йилда тадбиркорлик билан шугулланиш ис-тагидаги 38,3 минг нафар битирувчига тижорат банкларидан томонидан қарийб 280 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Эътиборлиси, ўтган давр мобайнида ана шу битирувчилар томонидан жами 15 миңга иш ўрни яратилди.

Умуман, 2015 йилда 482,6 миң нафар коллеж битирувчисидан 480 миңдан зиёди иш билан таъминланган.

— Бу йил касб-ҳунар коллежларини 477 миңдан зиёди ўқувчи битиради, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Исмоилдин Абборов. — "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурига мувофиқ, уларни ишга жойлаштириш мақсадида битирувчилар ва 222,5 миңга кўра қорхона ҳамда ташкилотлар, коллежлар, шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар ўртасида тегишли шартномалар шугулланиш ис-тагидаги 33,1 миң нафардан иборат битирувчи рўйхати шакллантирилди. Улар ўз бизнесини йўлга қўйиши учун тижорат банкларидан томонидан 305 миллиард сўмликдан зиёди имтиёзли кредитлар ажратиш режалаштирилган. Шунга мос равишда, 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш учун 286 миңдан ортқ иш ўрни ташкил қилиш кўзда тутилган бўлиб, бу борада ҳам изчил фаолият олиб борилаётганлиги эътироф қилинди.

Хусусан, битирувчиларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш мақсадида ўқув йили охиригача жойларда 904 та ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Муҳокамалар чоғида сепаторлар битирувчиларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида коллежларнинг қорхоналар ва ташкилотлар, ҳокимликлар, "Қамолот" ЁИХ, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарурлигини айтиб ўтишди.

Шунингдек, иштирокчилар томонидан бу борадаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, ёшларнинг тадбиркор-

# «Кичик Олимпиада» машғаласи Фарғонага йўл олди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлидиган XXXI Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритган Шаҳбоз Холимураевга топширади. Машғала Фарғона вилояти сари йўл олди.

— Бугун барчамиз учун унутилмас кун, аjoyиб шодиёна, — дейди Паркент транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Хуснобод Мелисова. — Машғала ёқиб маросимда иштирок этиб, бир олам таассурот олдик. Шундай лаҳзаларда дилмизда аҳдим янада қатъийлашди. Келажакда мен ҳам талаба бўлиб, стол теннисини бўйича Универсиада беллашувларида ўз маҳоратимни кўрсатаман. Кейин тажрибали спортчи ака-опаларимиз сингари халқаро турнирларда юртимиз номини улуглашга муносиб ҳисса қўшаман.

Албатта, ёшларимизнинг бундай эзгу мақсадлари ҳаммамизни қувонтиради. Аяна-нага мувофиқ, машғала олиб ўтиладиган шаҳар қишлоқларда тантанали маросимлар, танқитли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, кенг жамоатчилик ҳамда навиқрон авлод вакиллари иштирокида маънавий-маърифий анжуманлар ўтказилади.

Дастлабки куннинг ўзидаёқ жуда кўп юртдошларимиз ана шундай аялданли онларнинг гувоҳига айланмишдик. Тадбирларда Юртбошимиз томонидан асос солинган уч босқичли спорт ўйинларининг аҳамияти алоҳида таъкидланди, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида олиб борилган ишлар ҳақида сўз юритилмоқда.



«Халқ сўзи» мухбири Фарида МАЎҚАМОВА ёзиб олди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Дарҳақиқат, мазкур аънавий спорт мусобақалари мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари, умуман, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ўқув режаларини, дастурларни мақбуллаштириш ва коллеж битирувчилари ишга жойлаштирилиши устидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Конференцияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Кеча Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги Ўзбекистон Фанлар академияси "Физика — Қўёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтида "Универсиада — 2016" спорт мусобақалари машғаласини амалга олдирди маросими бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар, спортчилар ҳамда санъаткорлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Қуёш нуруларидан кўр олган "Универсиада — 2016" машғаласини 2012 йили Лондонда ташкил этилган Паралимпий ўйинлари совриндори, дзюдочи Шариф Халилов майдонга олиб кирди. У машғалани академик эшак эшиш бўйича Жанубий Кореяда ўтказилган Осие саралаш мусобақасида голиб чиқиб, жорий йилда

Содиқжон МАХСУМОВ, Хасан ПАЙДОЕВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

ТАДБИР

Самарқандда “Буюк Ипак йўлида умуминсоний ва миллий қадриятлар: тил, таълим ва маданият” мавзuida халқроқ илмий-амалий анжуман ўтказилди. Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳамда Хитойнинг Шанхай хорижий тиллар университети билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Буюк Британия, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея каби давлатлардан таниқли олимлар ва тадқиқотчилар қатнашди.

# Тил, таълим ва маданиятлар уйғунлиги

— Буюк Ипак йўли жаҳон цивилизацияси ривожига муҳим ўрин тутган, — дейди Самарқанд давлат чет тиллар институти Шарқ тиллари кафедраси мудири Аҳмад Раҳимов. — Шу боис унинг бўйида жойлашган мамлакатлар маданияти ҳамда тарихини ўрганишга қизиқиш тобора ортоқмоқда. Анжуман иштирокчилари дастлаб Самарқанд давлат чет тиллар институтида ёшларимизга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Зеро, бундай нуфузли конференциянинг айнан ушбу муассасада ўтказилаётгани бежиз эмас. Чунки кейинги йилларда бу ерда таълим сифати тубдан яхшиланиб, дунёнинг бир қатор давлатларидаги илмий марказлар билан самарали ҳамкорлик ўрнатилди. — Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар турли соҳаларда изчил ривожланиб бораёттир, — дейди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сун Лицзе. — Ўзбек тили ҳамда маданиятини Хитойда ўргатишга қаратилган тадбирлар икки то-

монлама манфаатли нусоабатларнинг ёрқин ифодасидир. Жумладан, ўтган йили Шанхай ва Шинжон университетларида “Ўзбек тили маркази” иш бошлади. Эътиборли томони, Самарқанд давлат чет тиллар институтининг салоҳиятли мутахассислари ушбу марказлар учун ўзбек тилини хитойлик ёшларга ўргатишга мўлжалланган дарсликлар яратишда амалий ёрдам бермоқдалар. Шунингдек, ҳамкорликда “Хитойча — ўзбекча луғат” ҳамда “Хитойча — инглизча — ўзбекча тематик тасвирий луғат” қўлланмаларини нашрга тайёрладилар. Хитойлик мутахассислар билан биргаликда ишлаб чиқилаётган “Буюк Ипак йўли мамлакатлари лингвокультурологик атласи” мавзuida илмий лойиҳа эса тилшунослик ва маданиятшуносликдаги муҳим янгилик сифатида эътиборни топмоқда. Тадбир шубҳаларга бўлинган ҳолда, ўз ишини давом эттирди. Унда юртимиз олимлари ҳамда хорижий тадқиқотчиларнинг маърузалари тингланди.

Мамодиёр ЗИЁДИНОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЭЪЛОНЛАР

## Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

куйидаги кафедраларга кафедра мудирилари, профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчилар, шунингдек, вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

- Профессонал лексика, инглиз тили грамматикаси ва тарихи, инглиз тили фонетика ва фонологияси, инглиз тили лексикологияси, инглиз тили стилистикаси, инглиз тили — амалий фанлар, инглиз тили — назарий фанлар, инглиз тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш, немис тили назарияси ва амалиёти, француз тили назарияси ва амалиёти, испан тили назарияси ва амалиёти, рус тили ва адабиёти, таржимашунослик назарияси ва амалиёти, Шарқ тиллари, хитой тили назарияси ва амалиёти, педагогика ва психология, замонавий педагогик технологиялар кафедраларига **кафедр мудири лавозимига**.
- Лингвистика ва инглиз тили адабиёти, рус тили ва адабиёти, таржимашунослик назарияси ва амалиёти, аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация, ижтимоий фанлар, табиий фанлар, ахборот технологиялари, умумий тилшунослик кафедраларига **профессор лавозимига**.
- Инглиз тили грамматикаси ва тарихи, инглиз тили лексикологияси, лингвистика ва инглиз адабиёти, немис тили назарияси ва амалиёти, француз тили назарияси ва амалиёти, иккинчи чет тилини интенсив ўқитиш, халқроқ журналистика назарияси ва амалиёти, аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация, ижтимоий фанлар, ахборот технологиялари, умумий тилшунослик кафедраларига **доцент лавозимига**.
- Инглиз тили грамматикаси ва тарихи, инглиз тили фонетика ва фонологияси, инглиз тили стилистикаси, инглиз тили — назарий фанлар, лингвистика ва инглиз адабиёти, инглиз тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш, немис тили назарияси ва амалиёти, француз тили назарияси ва амалиёти, испан тили назарияси ва амалиёти, рус тили ва адабиёти, таржимашунослик назарияси ва амалиёти, Шарқ тиллари, аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация, ижтимоий фанлар, Ўзбекистон тарихи, жисмоний маданият ва спорт, ахборот технологиялари, педагогика ва психология, ўзбек тили кафедраларига **катта ўқитувчи лавозимига**.
- Профессонал лексика, инглиз тили грамматикаси ва тарихи, инглиз тили фонетика ва фонологияси, инглиз тили лексикологияси, инглиз тили стилистикаси, инглиз тили — амалий фанлар, инглиз тили — назарий фанлар, инглиз тилини интеграллашган ҳолда ўқитиш, немис тили назарияси ва амалиёти, француз тили назарияси ва амалиёти, испан тили назарияси ва амалиёти, таржимашунослик назарияси ва амалиёти, иккинчи чет тилини интенсив ўқитиш, халқроқ журналистика назарияси ва амалиёти, аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация, ижтимоий фанлар, Ўзбекистон тарихи, жисмоний маданият ва спорт, ахборот технологиялари, педагогика ва психология, замонавий педагогик технологиялар, жаҳон адабиёти ва адабиётшунослик кафедраларига **ўқитувчи лавозимига**.

**Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

- ректор номига ариза;
- ишловчининг шахсий варақаси;
- маълумоти, илмий даража, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
- паспорт нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати (факультет илмий котиби томонидан тасдиқланган ҳолда);
- малака ошириш тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

*Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.*

Танловда қатнашувчилар Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда туришлари шарт.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, «ГА» мавзеси, Кичик халқа йўли кўчаси, 21-уй.  
Телефон: (+99893) 552-67-77.

**«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**  
**Сирдарё вилояти филиали**

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилайдиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

Аукцион савдосига Ховос тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 6 октябрдаги 12-1403/10467-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Ховос тумани, «Пахтакор» ҚФЙ, «Ўзбекистон мустақиллиги 5 йиллиги» СИУ ҳудудида жойлашган, «Нодира» фермер хўжалигига тегишли,

**«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**  
**Сурхондарё вилояти филиали**

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилайдиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

I. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2016 йил 28 мартдаги 19-1607/393-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Умидахон Мангузар» ХКга тегишли куйидаги кўчмас мулклар куйилмоқда:  
1. Термиз тумани, «Паттакесар» ҚФЙ, Мангузар маҳалласида жойлашган, ер майдони 620 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси.  
**Бошланғич баҳоси — 104 000 000 сўм.**  
2. Термиз шаҳри, Султон Саодат кўчаси, 172-уйнинг биринчи қаватида жойлашган, ер майдони 149,4 кв.м. бўлган, 3 хонадан иборат, ертўлали 7-сонли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси.  
**Бошланғич баҳоси — 120 500 000 сўм.**  
3. Термиз шаҳри, Султон Саодат кўчаси, 172-уйнинг биринчи қаватида жойлашган, ер майдони 135,55 кв.м. бўлган, 8 хонадан иборат, ертўлали 8-сонли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси.  
**Бошланғич баҳоси — 120 500 000 сўм.**  
4. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2016 йил 10 мартдаги 19-1504/22327-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Баркамол авлод (собик Ф. Хўжаев) кўчаси, 13-«А» уйда жойлашган, «Premium-Prof» хусусий корхонасига тегишли, ер майдони 4965,26 кв.м. бўлган, 3 қаватли, 165 та хонадан иборат меҳмонхона ва хўжалик бинолари куйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 1 445 985 945 сўм.**

II. Аукцион савдосига Узун тумани СИБ томонидан куйидаги кўчмас мулклар куйилмоқда:  
1. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 26 ноябрдаги 19-1505/19497-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Узун тумани, Н. Рамазонов кўчасида жойлашган, ер майдони 2060 кв.м. бўлган, 2 қаватли, 21 хонадан иборат ошхона, тўйхона ва қандолат чеҳи биноси.  
**Бошланғич баҳоси — 225 000 000 сўм.**  
2. ФИБ Сариосий туманлароқ судининг 2015 йил 10 ноябрдаги 01-2532/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Узун тумани, «Узун» ҚФЙ, Янгиўзғор маҳалласида жойлашган, ер майдони 1000 кв.м. бўлган, 6 хонадан иборат ишлаб чиқариш чеҳи биноси.  
**Бошланғич баҳоси — 117 115 788 сўм.**

III. Аукцион савдосига Шеробод тумани СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлароқ судининг 2016 йил 15 февралдаги 1-402-16-сонли ижро

1 қаватли молхона ва бошқа иншоотлар бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда, такроран куйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 352 715 147 сўм.**  
Аукцион савдоси 2016 йил 13 июнь кунни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2016 йил 10 июнь кунни соат 18.00.  
Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

варақасига асосан хатланган, Шеробод тумани, Мустақиллик кўчасида жойлашган куйидаги кўчмас мулклар куйилмоқда:  
1. Ер майдони 132,92 кв.м. бўлган нотуражой биноси.  
**Бошланғич баҳоси — 60 000 000 сўм.**  
2. Ер майдони 32,30 кв.м. бўлган савдо дўкони биноси.  
**Бошланғич баҳоси — 20 000 000 сўм.**  
IV. Аукцион савдосига Жарқўрғон тумани СИБ томонидан куйидаги кўчмас мулклар куйилмоқда:  
1. Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 20 октябрдаги 19-1403/14210-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жарқўрғон тумани, Спортчилар кўчаси, 14-уйда жойлашган, «48-АТК» МЧЖга тегишли, ер майдони 1423,63 кв.м. бўлган, 1 қаватли юк ташиш колоннаси биноси.  
**Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.**  
2. ФИБ Кумқўрғон туманлароқ судининг 2015 йил 11 февралдаги 1-305-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жарқўрғон тумани, «Озик-овқат бозори» МЧЖ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 18,25 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 1 хонадан иборат 58-сонли савдо дўкони.  
**Бошланғич баҳоси — 41 000 000 сўм.**

V. Аукцион савдосига Қизилқирғон тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2016 йил 12 январдаги 19-1505/22848-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизилқирғон тумани, «Сарик» ШФЙ, Рабатмақ маҳалласида жойлашган, «Сурхон лочини» фермер хўжалигига тегишли, ер майдони 855,05 кв.м. бўлган, 8 хонадан иборат савдо дўкони куйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.**  
Аукцион савдоси 2016 йил 29 июнь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2016 йил 27 июнь кунни соат 18.00.  
VI. Аукцион савдосига Жарқўрғон тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 23 июндаги 19-1407/5206-сонли ижро варақасига асосан хатланган куйидаги кўчмас мулклар такроран куйилмоқда:  
1. Жарқўрғон тумани, «Дехқонбод» ҚФЙ, Лойқанд маҳалласида жойлашган, ер майдони 4742,38 кв.м. бўлган асосий бино-иншоотлар (А-литерда техникалар тураржойи ва бостирма биноси — 4 хонали, Б-литерда техникалар сақлаш жойи ва омборхона бинолари — 5 хонали, Д, Л-литерларда икки қаватли қоровулхона биноси — 4 хонали, М-литерда ҳожатхона — 1 хонали, а-литерда темир дарвоза).  
**Бошланғич баҳоси — 320 000 000 сўм.**  
2. Жарқўрғон тумани, «Минор» ҚФЙ, Алишер

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг АТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.  
Манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шохкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона.  
Телефон: (0-367) 226-38-91. Расмий сайт: www.1kms.uz  
Хизматлар лицензияланган.

Навоий номидаги маҳаллада жойлашган, ер майдони 675,0 кв.м. бўлган машина-трактор парки (Б-литерда қоровулхона — 1 хонали, В-литерда бостирма, Д-литерда омборхона — 1 хонали, Л-литерда ховуз, Н-литерда сув минораси — 2 дона, а-литерда гиштли тўсиқ девор, б-литерда дарвоза).  
**Бошланғич баҳоси — 63 000 000 сўм.**  
VII. Аукцион савдосига Термиз тумани СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлароқ судининг 2015 йил 15 июлдаги 1-3144-сонли ижро варақасига асосан хатланган куйидаги кўчмас мулклар такроран куйилмоқда:  
1. Термиз шаҳри, Султон Саодат кўчаси, 170-уйнинг 1-қаватидаги, «Яздурдибобо» фермер хўжалигига тегишли, умумий майдони 94,77 кв.м. бўлган, А-литерда 1 қаватли пилла урчитиш хонаси ва маъмурий бино.  
**Бошланғич баҳоси — 16 000 000 сўм.**  
3. Термиз шаҳри, Алпомиш боғи ҳудудида жойлашган, умумий майдони 224,68 кв.м. бўлган, А-литерда 1 қаватли чойхона биноси.  
**Бошланғич баҳоси — 185 000 000 сўм.**  
VIII. Аукцион савдосига Кумқўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлароқ судининг 2015 йил 16 декабрдаги 1-5534-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кумқўрғон тумани, Ариқ ошган маҳалласида жойлашган, ер майдони 157,23 кв.м. бўлган маъмурий бино куйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 73 750 000 сўм.**  
Аукцион савдоси 2016 йил 15 июнь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2016 йил 13 июнь кунни соат 18.00.  
Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.  
Савдо ўтказилайдиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона.  
Телефон: (0-376) 221-77-94.  
www.1kms.uz; rieltssavdo@inbox.uz  
Хизматлар лицензияланган.

**ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА**  
Дубайда 3D-принтерда чоп этилган, жаҳондаги илк иншоотнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

## 3D-бино фаолият бошлади



Умумий майдони 250 квадрат метрдан иборат мазкур бинони бунёд этишга атғи 17 кун сарфланган. Аҳамиятли жиҳати, ушбу иморат худди шу лойиҳа асосида, бироқ одатий технология ёрдамида барпо қилинаётган иншоотдан тезроқ куриб битказилган. Қолаверса, унга қарийб 50 фоиз кам маблағ сарфланган.

Айтиш жоизки, Бирлашган Араб Амирликлари давлати бугунги кунда “Келажак технологияси” деб ном олган 3D-принтер лойиҳаларига катта эътибор қаратаётган дунёдаги санокли мамлакатлардан бири ҳисобланади. Бу ерда тиббиёт, курилиш ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида айнан шу усулдан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, 2030 йилга қадар Дубай шаҳрининг барча бинонинг 25 фоизини 3D-принтерда бунёд этиш мўлжалланапти.

## Мағлубиятмисан мағлубият...

Эквадор футбол лигасининг иккинчи дивизионда “миллионлар ўйини”да кам учрайдиган ҳолат рўй берди. Бу ҳақда “El Comercio” нашри маълум қилган.  
Гап шундаки, “Инди Нэтив” клуби “Пелилео” жамоасига ўз майдонида 1:44 ҳисобида ютқазиб қўйди. Уйиндан сўнг клуб куйи дивизионга тушириб юборилди. Бироқ лига раҳбарияти бу ҳолат “Инди Нэтив”нинг 2,4 минг АҚШ доллари миқдоридagi аъзолик бадалини ўз вақтида тўламагани билан боғлиқлигини таъкидлади.  
Бу дунё футболдаги расмий энг йирик ҳисоб эмас. 2002 йили Мадагаскар чемпионатида тўп сурайдиган “СОЭ” клуби вакиллари “Адема” жамоасига қарши ўйинда ўн бир метрлик жарима тўпи нотўғри белгиланди, дея норозилик билдиришган, ҳакам уларнинг фикрини инobatга олмагач эса, ўз дарвозаларига 149 та гол киритишган эди.

## Эски чипта қўл келди

Мичиган штатилик Челси Хэрлин бундан 22 йил муқаддам бетоб бўлиб қолгани туфайли Диснейленд кўнгилочар масканига бора олган эди.



Бироқ ота-онаси ўша пайтда сотиб олган кириш чиптасини ташлаб юбормади. Яқинда эски-туски буюмлар ичида унга кўзи тушган Челси омадини синаб кўрмоқчи бўлди ва чипта билан Калифорния штатига — Диснейленд боғига борди. Парк маъмурияти кириш чиптасида мuddат кўрсатилмагани, бироқ ҳозирги кунда бундай чипталар мўмаладан чиқарилганини айтиб, уни замонавийсига алмаштириб берди. Шундай қилиб, Челси Хэрлиннинг болалиқдаги орузси ушладди: у тўрт соат мобайнида боғ ҳудудидаги барча аттракциондан фойдаланди.

**«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**  
**Тошкент минтақавий филиали**

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилайдиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*  
Аукцион савдосига АТ «Agrobank» Тошкент вилояти бошқармасининг 2016 йил 6 майдаги 07002/278-сонли буюртномасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Гулбаҳор» ҚФЙ, Шароф Рашидов кўчасида жойлашган, АТ «Agrobank» Гулбаҳор филиалининг бино-иншоотлари куйилмоқда.  
**Бошланғич баҳоси — 951 540 000,00 сўм.**  
Аукцион савдоси 2016 йил 28 июнь кунни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2016 йил 27 июнь кунни соат 18.00.  
Кўчмас мулклар 2016 йил 28 июнь кунни сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий савдолари 2016 йил 5 ва 12 июль кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати: 2016 йил 5 июлдаги савдо учун — 4 июль кунни, 12 июлдаги савдо учун — 11 июль кунни соат 18.00.  
Савдо голибига 10 календарь кунни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.  
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 202080004920609021, МФО: 01036, СТИР: 207122519.  
Савдо ўтказилайдиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.  
Тел./факс: (0-371) 228-78-96.  
www.1kms.uz; rieltssavdo@inbox.uz  
Хизматлар лицензияланган.

ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТХОН:



«Халқ сўзи» газетасига қилинган ҳар бир мурожаат доимо эътиборда бўлади.

— Корхонамиз раҳбари менинг фаолиятимдан қониқмай ишдан бўшатмоқчи. Бунинг устига Меҳнат кодексининг 100-моддасига асосан, жамоа сафидан чиқаришини, буни меҳнат дафтарчамга ҳам ёзиб қўйишни билдирди. Натижада мен бошқа жойга ишга кира олмас эканман. Унинг ушбу хатти-ҳаракати тўғриси?

Ж. ГАНИЕВ, Кармана тумани

### Ишлаш ҳуқуқига чеклов йўқ

— Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 57-моддасига мувофиқ, унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасаруф этиш ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақибланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳар кимнинг мутлақ ҳуқуқидир. Ҳар ким иш берувчига бевосита мурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, ушбу Кодекснинг 81-моддасига кўра, иш берувчи меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни ёзиши шарт. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди.

Д. ҚАЛАНДАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Жинорий, маъмурий ва ижтимоий қонунчилик бошқармаси бошлиғи.

— Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турмасаним учун бундан икки йил аввал пойтахтимиздаги кўп қаватли уйларидаги хонадонлардан бирини яқин қариндошим номига расмийлаштирганман. У менга ушбу турар-жой учун нотариал тартибда тасдиқланган, сотиш ҳуқуқи кафолатланган бош ишончнома (генеральный доверенность) тақдим этган. Айтинг-чи, ана шу ишончнома асосида ижара шартномаси тузмасдан мазкур хонадондан фойдаланишим мумкинми?

Ф. ҲОЖИЕВ, Янгийўл тумани

### Ишончномада ифодаланган бўлса...


— Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 134-моддасига асосан, бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдидан вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар

доирасида иш олиб боради. Шунга кўра, мазкур ишончномада ижара шартномаси тузмасдан ушбу хонадондан фойдаланиш ваколати берилган бўлса, демек, ижара шартномаси тузмасдан фойдаланиш мумкин.

Х. ШАКИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари.



# ЮЗМА-ЮЗ



— Биронта савдо шохобчасидан маҳсулот харид қилган, тўловни пластик карточка орқали амалга оширмоқчи бўлсан, сотувчи картани қўлимиздан олиб, терминалга қўйиб, унинг кодини сўрайди. Яъни пулни ҳисобимиздан ўзи ечади. Ваҳоланки, картанинг кодини ҳар бир шахс сир тутуши керак. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун терминаллар орқали хизмат кўрсатиш тизимида бирор қўлайлик яратилганми? Масалан, нима учун миқдорлар ўз шахсий кодини киритишга мўлжалланган, терминалга сир орқали уланганидан қўшимча клавиатуралар жорий қилинмаган? Эшитишимизча, ривожланган давлатларда бундай қўлайлик мавжуд.

К. ҲАЙИТОВ, Гулистон тумани

— Пластик карточка эгалари карточка ҳисоб рақамидаги маблағлар сақланиши ҳамда хавфсизлигини таъмин-

хлат савдо ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчасига ўрнатилган терминал клавиатураси ишламаслиги ёки ноқулай

код охириг хавфсизлик чораси эканлигини унутмаслик лозим. Миқдорлар пластик карточкаларидан маблағ

## Масъулият — карточка эгасининг зиммасида

лаш мақсадида қуйидагиларга аҳамият бериши лозим: аввало, пластик карточканинг ПИН-кодини бегона шахсларга ошкор этманг. Баъзи ҳолларда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари сотувчилари картадан маблағни ечишда ПИН-кодни ўзлари тершиши афзал кўришади. Бундай

жойлашганлиги туфайли юзга келади.

Бундан ташқари, айрим пластик карточка эгалари яхши кўра олмаслиги ёхуд турли сабаблар боис ПИН-кодни ўзлари тершиши рад этишади. Бироқ пластик карточка йўқотилган ёки ўғирланган ҳолларда ПИН-

ечилаётганда, ПИН-кодни учинчи шахсга ошкор этмасдан мустақил тершиши талаб қилиши керак. ПИН-код бошқа шахсларга ошкор қилинган ҳолларда, пластик карточка орқали амалга оширилган транзакциялар бўйича жавобгарлик карточка эгасининг зиммасида бўла-

ди. Чунки банк эмитент билан тузилган шартномага асосан, шахсан сиз пластик карточканинг қонуний эгаси ҳисобланасиз.

Банклар пластик карточка эгаларига карточка маблағларини юклаш ва ундан ечишда 4 тадан 8 тагача бўлган мурракаб рақамли ПИН-код ўрнатиш тавсия қилинади.

Д. ИСМАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Пул муомаласи департаменти бошқарма бошлиғи.

## Таксида терминал борми?

— Таксичилик фаолияти билан қонуний асосда шуғулланаётганлар автомобилда тегишли жиҳозлар, жумладан, тўловларни қабул қилиш учун терминаллар ҳам бўлиши кераклигини

эшитгандим. Лекин бундай қўлайлик яратилган таксилар жудаям кам. Бу ҳолат назорат қилинмайди.

А. ЗИЁЕВ, Бектемир тумани



— Ҳозирги пайтда республикамизда 1031 ташувчининг 15213 та энгил автомобили йўналишсиз такси фаолияти билан шуғулланмоқда. Бугунги кунга келиб, тўлов терминалларига бўлган эҳтиёжнинг ошганлиги натижасида, ташувчилар томонидан барча йўналишсиз таксини жиҳозлаш имконияти бир оз чеклиб қолмоқда.

Ш. ШОВАҲОВОВ, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи ўринбосари.

## Белгиланганидек жиҳозланиши шарт

— 2016 йил 1 мартдан кучга киритилган янги тахрирдаги «Йўл ҳаракати қонунлари»га биноан, ҳар бир транспорт воситасида тиббиёт кутучиси, ўт ўчиргич, мажбурий тўхташ нишани билдирадиган белги ва махсус нимча бўлиши лозим. Йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори ҳайдовчини тўхтатганда, ана шу жиҳозлар ёки нимча бор-йўқлигини суриштиришга ҳақлими? Агар сўралган пайтда улардан бирортаси бўлмаса, жазо чораси қўлланиладими?

К. ҲАКИМОВ, Наманган шаҳри

— Албатта, ҳақли. «Йўл ҳаракати қонунлари»да тиббиёт кутучиси (аптечка), ўт ўчиргич, мажбурий тўхташ нишани билдирувчи белги (ёки милтиқовчи қизил чирок) ва нур қайтаргичли камзул (жилет) билан жиҳозланмаган транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланганлиги белгилаб қўйилган. Ушбу талабни бажармаган ҳайдовчилар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 125-моддаси 5-қисмига мувофиқ, жавобгарликка тортилиши ҳамда транспорт воситаси ушлаб туриш сабаби бар-тароф этилгунига ва иш қўриб чиқилгунига қадар тўхташ жойларида ушлаб турилиши мумкинлигини билдиради.

Х. САЙДАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи.

— Ҳозирги кунда хонадонлар электр ҳисоблагичларнинг автоматлаштирилган тизими ўтказилмоқда. Табиий газ таъминотида ҳам шундай тадбир режалаштирилгани ҳақида эшитдик. Бу гап тўғрисида, электрон ҳисоблагичлар қачон ўрнатилади? Янги ҳисоблагич учун харажат кимнинг ҳисобидан қопланади?


Х. БАРОТОВ, Қарши тумани

## Ҳисоблагич кимнинг ҳисобидан ўрнатилади

— Табиий газ ҳисоби назоратининг автоматлаштирилган бошқарув тизими»ни жорий этиш «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси томонидан 2015 — 2020 йилларга режалаштирилган бўлиб, лойиҳанинг биринчи босқичи 2016 — 2017 йилларда Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятида амалга оширилади.

Электрон газ ҳисоблагичлар «Ўзтрансгаз» АК маблағлари ҳисобидан ўрнатилади ва истеъмолчилардан ҳақ олинмайди.

М. БОШМАНОВ, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси ўринбосари.



— Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежини тамомлаётман. Келгусида умумий ўрта таълим мактабидаги ахборот-ресурс марказида мутахассис бўлиб ишлашим мумкинми?

Ф. ХОЛБЕКОВ, Тошкент шаҳри

— 2015 йил 18 июнда тасдиқланган Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимнинг тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар умумдавлат таснифлагичи асосида «Ахборот-ресурс маркази кутубхоначиси» касби бўйича (3350601 — касб коди), «Ахборот кутубхоналар кутубхоначиси» ҳамда «Электрон кутубхоналар кутубхоначиси» ихтисослиги бўйича битирган мутахассислар ахборот-ресурс марказларида ишлаши мумкин.

З. ХУДАЙБЕРДИЕВ, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директорининг ўринбосари.

## Битирувчиларга имконият

— Талабалар ўқишини қайта тиклаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сонли қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида» Низом»га мувофиқ, оdatда, ёғи таътил даврида, тегишли курс (семестр)да ўқув-машғуллотлар бошланишига қадар амалга оширилади. Агар талабанинг ўқишдан четлатилганига 5 йил тўлмаган бўлса, унинг ўқишини олий таълимнинг мос ва турдош йўналишлари (мутахассисликлари)га тиклаш олий таълим муассасасининг ректори

— Ёшга доир пенсияни расмийлаштириш учун зарур ҳужжатларни тўлаш масаласи билан ходимнинг ўзи шуғулланадими ёки у ишлайдиган корхонанинг ходимлар бўлими вакилими?

С. АБДУЛЛАЕВ, Урганч шаҳри

## Ҳужжатларни тақдим қилиш тартиби

— Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни-нинг 43-моддасига асосан, ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига (боқувчисини йўқотган тақдирда) пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза охириг иш жойидаги корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти орқали берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» Низом»нинг 5 ҳамда 6-бандларига кўра, ташкилот маъмурияти ҳар йили декабрь ойида шахсий варақчалар ва меҳнат дафтарчалари асосида кейинги йилда ҳам умумий, ҳам имтиёзли шартларда пен-

сия олиш ҳуқуқига эга бўладиган ходимлар рўйхатини тузади.

Кўрсатиб ўтилган рўйхатга киритилган ходимларга ишдан ташкилот маъмурияти пенсия тайинлаш учун ҳужжатларни олдиндан тайёрлашга киришади. Зарур бўлганда, ташкилот маъмурияти етиштирган ҳужжатларни сўраб олиш чораларини кўриши керак.

Ташкилот маъмурияти тўпланган барча ҳужжатлар асосида пенсия тайинлаш учун тақдимномани расмийлаштиради.

М. ЗИЯДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг биринчи ўринбосари.

— Укам пойтахтимиздаги университетлардан бирининг 4-босқичида ўқётган пайтда тегишли фанлардан имтиҳонларни талаб даражасида топшира олмасани туфайли кетма-кет уч ўқув йили давомида талабалар сафидан чиқарилган. Шундан буён тўрт йилдан зиёд вақт ўтди. У ҳозир 30 ёшда. Энди талабалик сафига қайта тиклаш имконияти борми? Мазкур жараённинг тартиби қандай?

Ф. МАМАТКАРИМОВ, Пайоғиқ тумани

## Низомга мувофиқ ҳал этилади

қарорига кўра амалга оширилади. Бундай вазиятда ўқишдан четлатилган талаба ёғи таътил даврида (одатда, июль ойида) олий таълим муассасасининг ректорига ёзма ариза билан мурожаат этиши мумкин. Ариза олий таълим муассасаси томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Юқорида қайд этилган Низомнинг 29-бандига биноан, ўқишдан четлатилгандан кейин 5 йилдан ортқ мuddат (ҳарбий хизматда бўлганлик, уч ёшга-ча бўлган болаларни пар-

вариш қилиш билан боғлиқ меҳнат таътили ҳамда соғлиқни қайта тиклаш вақтлари ушбу мuddатга кирмайди) ўтган ҳолларда, талабалар ўқишини қайта тиклаш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қошидаги Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш идораларо комиссиясининг рухсати билан амалга оширилиши белгиланган.

Б. УСМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўринбосари.

ЯНА САВОЛЛАРИНГИЗ БОРМИ, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН? ХАТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ!

Footer section containing contact information for the newspaper 'Kuzgu', including the head editor's name (Utkir Raxmatov), phone numbers, and address details. It also includes a QR code and a barcode.